

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 205 (10.258)

2004 ЙИЛ 21 ОКТАБРЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 октябрь куни Оқсаройда НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схефферни қабул қилди.

Мамлакатимиз Президенти меҳмони ушбу ташкилотга раҳбар бўлгани билан қутлар экан, Ўзбекистон НАТО билан ҳамкорликка муҳим аҳамият беришини таъкидлади.

— «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик айниқса алоҳида аҳамиятга эга, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон НАТО билан муносабатларни қадрайди ва ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори.

Мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташкилот билан муносабатлари фақат ҳарбий соҳани ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик билан чекланмайди. Фан-таълим, иқтисодиёт каби соҳалар, шунингдек, табиий офатларнинг олдини олиш бўйича НАТО мутахассислари билан маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда, тадқиқотчилар ўзаро тажриба ал-

машмоқда. Биргаликдаги машқлар ўтказилмоқда, альянсинг махсус ўқув курсларида Ўзбекистон Куролли қучларининг вакиллари малака ошириб, жанговар тайёргарлигини такомиллаштирмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбий ислохотларни амалга оширишда, ўқув марказлари ташкил этишда, халқаро террорчиликка қарши курашда Ўзбекистон НАТО билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Яап де Хооп Схеффер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз билан НАТО ҳамкорлигини ривожлантириш икки томон учун ҳам манфаатли эканлигини қайд этди.

Оқсаройдаги учрашувда ана шу масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.



Шаҳримиздаги «Профиль» илмий-техникавий фирмаси маҳсулотлари саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожига ниҳоятда қўл келмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг малакали ишчиси Шоқир Усмонов.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

XVI сағоси

Барча малбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Муборак Рамазон ойи келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

● Кеча Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитасида «Таълим муассасаларида мамлакат Конституцияси ва Конунларини ўрганишнинг аҳоли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳрида «Экологик таълим ва барқарор ривожланиш» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

● Бугун Тошкентда «TITF-2004» халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўз ишини бошлади. Унда жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатлари фирмалари ва компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

● Ўзбекистон Банклари ассоциациясида Оролбўйи генотинидани химоя қилиш бўйича жамоатчилик хайрия фондининг тақдими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистоннинг энг йирик матбаа компанияларидан бири ва ёрликлар ишлаб чиқариш бўйича пешқадам ҳисобланган «Poli Spekt» масъулияти чекланган жамияти қайтариш муддати 2006 йил октябри бўлган 1 миллиард сўмлик корпоратив облигациялар чиқарди.

Жаҳонда

● Ливия пойтахти Триполи шаҳрида Африка мамлакатларининг саммити яқунланди. Унда Ливия, Сулан, Чад ва Миср раҳбарлари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари асосий эътиборни Суданнинг Дарфур вилоятида юзага келган тангликка қаратди.

● БМТнинг Хавфсизлик кенгаши 78 та мамлакатни терроризмга қарши кураш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботни зудлик билан топширишга қажирди.

● Буюк Британия ҳукумати мамлакат парламентида янги ҳарбий қисмларни Ироққа юбормаслигини билдирди.

● Покистонда «Ал-Қоида» ташкилоти янги раҳбариятида муҳим ўрин тутаётган Яман фуқароси Салех Науман ҳибсага олинди.

● Хитой фазога янги метеорологик йўлдошни учирди. Хитойда тайёрланган ушбу йўлдош ер юзасининг учдан бир қисми бўйича метеорологик маълумотни тўплайди.

НАТО БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳамаси раҳбари Соҳиб Сафоев билан учрашувда Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли ва истиқболи музокаранинг бош мавзуси бўлди. Мулоқот чоғида, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғулмоов билан учрашди. Ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро террорчиликка қарши курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА

ТИЛ ВА ЖАМИЯТ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Тил ва жамият» мавзусида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Унда университет ўқитувчилари ва талабалари билан бирга илмий-тадқиқот муассасаларининг олимлари ҳам иштирок этди.


Анжуманда ҳозирги тилшунослигимизнинг грамматика, фонетика, лексикология каби соҳаларига оид долзарб муаммолар, жумладан, ўзбек тилининг хориғи босқичдаги ривожланиш жараёнлари хусусида сўз юритилди.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, халқаро ташкилотлар ҳамда чет давлатлар билан дипломатик, иқтисодий, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилётгани Ўзбек ва хорижий тиллар муносабатида янги босқични бошлаб бергани таъкидланди. Натижада инглиз, француз, немис, корейс ва бошқа тиллардан фаол сўз ва атамаларни ўзлаштириш ҳодисаси кўзга ташланмоқда. Бу эса мутахассислардан мазкур жараёни теран таҳлил этиш ва уни она тилимиз учун маъмул ўзганга йўналтиришни талаб этаётир.

«Давлат тили ҳақида»-ги қонун қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган мазкур анжуманда ўзбек ёзувининг лотин алфбосига асосланган графикаси хусусида, ҳозирги ўзбек тилининг товуш тизимини мукамаллаштириш юзасидан ҳам қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Семинарлар



26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАГИ МУҲИМ БЎҒИН

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар ташкил этди.

Илгари хабар қилинганидек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан Тошкент шаҳри бўйича ҳар бирида 20,9 минг сайловчи ҳисобдан 60 та сайлов округлари ташкил этилди. Шундан келиб чиққан ҳолда раис, раис ўринбосари, котиб ва 8 нафар аъзодан иборат 60 та округ сайлов комиссиялари таркиби аниқланди.



Давоми 2-бетда.

ЁШЛАР ВА САЙЛОВ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида шу йил декабрь ойида мамлакатимиз парламентида ўтказиладиган сайлов жараёнида ёшларнинг иштирокига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Олий Мажлисининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, бу йилги сайловнинг аввалгиларидан фарқи жиҳатлари, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, сиё-

сий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларига оид масалалар хусусида маъруза қилди. Ҳозир жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида икки палатали парламент тизими фаолият кўрсатмоқда. Келгуси йилдан юртимизда ҳам шундай парламент иш бошлайди. Бу эса жамиятимизда демократик тамойилларнинг тобора чуқурлашуви, ҳаётнинг барча жаҳалари эркин-

лашувида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Шу боис бўлгуси сайловларда аҳолининг бошқа қатламлари қатори ёшларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Учрашувда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган «Ўзбекистон ёшлари ва сайловлар» мавзусидаги социологик тадқиқот яқунлари таҳлил этилди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ Дир КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кичик

● **БУГУН** Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликларида «Йилнинг энг яхши ғояси» LG гранти маърифий лойиҳасининг тақдими ўтказилди.

● **КЕЧА** Республика Тadbirkor аёл уюшмаси ҳамда Америка Тинчлик институти ҳамкорликларида «Ўрта Осиё аёллари учун дипломатик ва тadbirkorлик кўникмаларини ривожлантириш» мавзусида семинар уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Давлат болалар кутубхонасида **КЕЧА** «Тил — миллатнинг бойлиги» мавзусида тadbirkor бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тошкент гуруч» очик акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тadbirkor декабрда ўтказилган икки палатали парламентга сайловлар масаласига бағишланди.

● **БАДИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида россиялик rassom Валентин Сидоров асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги Кўйлик тиббиёт билим юртида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тadbirkor «Тил — тафаккур кўзгуси» деб номланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасида тadbirkorлар иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир кўшимча чора-тadbirkorлар тўғрисида»ги қарори моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 168-мактабда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан мактабларнинг 5-синф ўқувчиларига жисмоний тарбиядан сабоқ бериш бўйича жисмоний тарбия ўқитувчилари учун ўқув методик семинар уюштирилди.

● **БҮНЁДКОР** ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан туман мактабларининг зукко, билимдон ўқувчилари ўртасида «Нима, қачон, қаерда?» интеллектуал мусобақаси уюштирилди. 15 октябрдан бошланган ушбу тadbirkor 25 октябрга қадар давом этади.

● **АБРОР** Ҳидоятлов номидagi драма театрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотлари етакчиларига кўкрак нишонлари топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Семинарлар

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАГИ МУҲИМ БЎҒИН

Давоми. Боши 1-бетда.

Сайлов жараёнида муҳим бўгин ҳисобланган округ сайлов комиссиялари асосий мақсадига мувофиқ равишда иш юритиш учун ўз фаолиятини қандай ташкил этиши керак?

Шубҳасиз, туман ҳокимликлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ушбу масалада ваколатли бўлган бошқа тузилмалар томонидан комиссиялар таркибини аниқлаш ва тасдиқлаш учун шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этишдан аввал округ сайлов комиссиялари аъзоларига номзодларни тўғри танлаш, уларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш борасида



барча тегишли ишлар амалга оширилган. Дарвоқе, айтиб ўтиш лозимки, тайинланган комиссия аъзоларининг 65-70 фоизи илгариги сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнларида бевосита катнашган ва тажрибага эга. Шу билан бирга охириги сайловлардан сўнг орадан беш йил ўтганлигини инобатга олиб, шунинг

дек галдаги сайловлар шакли ва мазмуни жиҳатидан олдингиларидан тубдан фарқ қилиши, ўз навбатида округ сайлов комиссиялари сайловчилар, сайлов субъектлари ва сайлов органлари ўртасида боғловчи бўгин вазифасини ўташи лозимлигини ҳисобга олган ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиялари округ сайлов комиссиялари учун туркум семинарлар ўтказишга қарор қилди.

Кунини кеча бўлиб ўтган биринчи семинарда 60 та округ сайлов комиссияларининг раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари, туман ҳокимликлари вакиллари тақлиф этилди. Тadbirkorлар олдида ҳар бир комиссияга ўз фаолиятини юритишда зарур бўлган ҳужжатлар намуналари тарқатилди.

Сайлов жараёнининг айна пайтдаги босқичида округ сайлов комиссиялари биринчи галда жойларда сайлов участкаларини ташкил этиши (шаҳарда 665 та сайлов участкалари бўлади), ўзини-ўзи бошқариш органларидан номзодларни кўрсатишга оид умумий тadbirkorда катнашиши учун вакиллар-

ни сайлаш бўйича мажлисни ўтказиш юзасидан ҳужжатларни қабул қилиши, номзодлар вакилларини рўйхатдан ўтказиши, барча депутатликка номзодларга тенг шароитлар яратиши, уларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиши вазифаларини амалга ошириши жоиз. Бу ишларнинг бари сиёсий жараёнга мувофиқ равишда оқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилиши тақозо этилади.

Семинарда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аниқ-са туман ҳокимликлари, ҳудудий жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар округ сайлов комиссияларига ҳар томонлама ва доимий қўллаб-қувватлаган ҳолда ёрдам кўрсатиши, хусусан уларга зарур бўлган алоқа воситаларига техника, канцелярия анжонлари билан таъминланишда кўмаклашиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Тadbirkor сўнггида округ сайлов комиссиялари аъзоларининг барча саволларига тақлифчилар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди. Шу билан бирга улар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, жумладан жойларда намунавий округлар мисолида семинарлар ташкил этиш тақлифи киритилди.

**Ильмира ЗАЙНУДИНОВА,
СУРАТЛАРДА: семинарда
лавларлар.**

**Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.**

Ёши жиҳатдан энг кенжа бўлган, аммо тез орада жамиятда ўз ўрнини топиб улгурган Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг биргина Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман Кенгашлари томонидан ўтган ҳафтада икки йирик ташкилот — Тошкент метрополитени ҳамда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида «Сайловолди жараёни» мавзусида учрашувлар ўтказилиб, соҳа ходимлари партиянинг мақсад ва вазифаларидан воқиф қилинди, партия томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб этилди, йирилганларга бўлажак сайловларга оид қонунчилик ҳужжатлари тўғрисида маълумот берилди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ходимлари билан ўтказилган учрашувда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар

тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси юзасидан атрофида маълумот берилди.

манфаатдор қатлам — ҳақиқий мулк эгалари — ишбилармон доиралар ва-

УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда бугунги кундаги муҳим сиёсий жараёнлардан бири — бу сайловолди кампаниясининг боришидир. Ушбу жараён табиийки, жорий йилнинг 26 декабрь кунини бўлиб ўтказилган кўйи палатага депутатлар сайловида голиябликни қўлга киритиш ва унда асосий кучга эга бўлиш учун курашаётган сиёсий партияларнинг жойларда олий бораётган тарғибот-ташвиқот ишларини ўз ичига олади.

Партиянинг шаҳар Кенгаши раиси А.Каримов йирилганларга мазкур партия энг аввало илоҳот ғояларини илгари суралган ва ҳаётга татбиқ этилган қудратли куч — мулкдорлар, тadbirkorлар ва ишбилармонларга таянишини таъкидлаб ўтди. Зеро, фуқароларнинг турмуш даражаси, мамлакат халқаро обрў-эътиборининг ўсиши, тинч ва барқарор ҳаёт сақланиб туришидан энг

қаро майдонга олиб чиқиш, шу орқали халқ фаровонлиги ошишига эришиш — партиянинг бош вазифаси эканлиги ишлаб чиқилган дастурда ҳам аниқ-равшан ёзиб қўйилган.

Тadbirkorни ўтказишдан кўзланган яна бир мақсад — бу партия қанотларини имкон қадар кенгроқ ёзиш, сафини турли тоифадаги кишилар билан тўлдирши, нуфузини ошириш, кенг жамоатчилик орасида унинг таъсир доирасини кучайтиришдан иборат.

Тadbirkor давомида бошқарма ходимлари сайловолди ва сайлов жараёни билан боғлиқ бўлган саволларига тўлиқ жавоблар олдилар.

Учрашув якунида партиянинг туман Кенгашлари томонидан барча туман Давлат солиқ инспекцияларида ана шу мавзуда учрашувлар ўтказилишига келишиб олинди.

Баҳодир АЗИЗОВ

ГЛОБУСЛАР - ЭКСПОРТГА

«Зиё глобус» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб глобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Юртимиз эндиликда мураккаб ечимга эга ушбу ўқув кўргазмалари куролни ишлаб чиқариш имконига эга йигирманчи мамлакатга айланди.

Глобуслар 1 см.га 500 км. ўлчамда, яъни ер шарининг сиёсий-маъму-

рий, жўроғий кўриниши эллик миллион марта кичрайтирилган шаклда бўлиб, ёзувлари латин алифбосига асосланган ўзбек тилида акс эттирилган. Улар, аниқлиқ, олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда тарих, астрономия, физика, география каби фанларда талаба ва ўқувчилар учун жуда қўл келади.

— Бу турдаги махсулотни йиллик ишлаб чиқариш қуввати эллик минг донани ташкил этади, — деди бирлашма бош директори Дилмурод Исроилов ҲА мухбирига. — Айна пайтда корхо-

намизда юқори малакали ходимлар кунига беш юзтагача глобус тайёрлаётир.

Махсулотимиз илмий жиҳатдан жуда аниқ ва пухта ишланган бўлиб, хариталари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш шўъба корхонаси мутахассислари томонидан тайёрланган. Қозғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Озарбойжон, Тожикистондаги мижозлар билан махсулот экспортни юзасидан шартномалар имзоланди.

Корхонда элликдан зиёд янги иш ўрни очилди.

БУГУН — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИГА 15 ЙИЛ ТЎЛДИ

Инсон ўз тафаккури воситасида воқелик ва борлиқни идрок этиб, турли фикрлар, қарашлар, таълимотлар яратди. Бу тушунчаларнинг барчаси ўзига хос ғоялар мажмуасини ташкил этиб, улар тил воситасида бир субъект доирасидан чиқиб, халқ онгига сингдирилди. Шунинг учун ҳам тил ижтимоий ҳодиса сифатида кишилар ўртасида асосий алоқа воситаси бўлиб келган. Унинг бу вазифаси, биринчи навбатда, ҳар бир инсоннинг ўз она тилиси доирасида амалга ошади. Инсон тугилиб, воёга етар экан, у она тили, она-Ватан, она замин каби миллий қадриятларни шу тил воситасида англайди ва ҳис қилади. Шунинг замирида унда миллий онг, ватанпарварлик, миллатпарварлик, мустикаллик каби тушунчалар пайдо бўлади ва сингиб боради. Инсонда она тили туйғуси дастлаб, халқимизнинг муҳим қадриятларидан бири бўлган она аллоси орқали уйғонади. Бу фикрни Юртбошимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: «Жамийи эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она аллоси, она тилининг бетакдор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир, ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўз-ўзидан жудо бўлиши мумкин эмас». Она тилига бўлган муҳаббат инсон онгига миллий ғоя тушунишининг тугилиши учун замин тайёрлайди.

Миллий истиқлолнинг биринчи шартли, миллий тил — она тилининг мустақиллигидир. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилишининг миллий мустақиллик арасида амалга ошганлиги бежиз эмас. У халқимизнинг азалий орузи — мустақилликнинг дастлабки ғалабаси сифатида миллий ғуруримизнинг тикланишига ва ривож топишига кутлуг қадам бўлди. 1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи учун катта маънавий-ҳуқуқий муваф-

фақият келтирди. Бу кун миллий тилимиз — ўзбек тилининг тугилган куни сифатида тарих саҳифаларида муҳрланди. 1995 йил 21 декабрда биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди.

ОНА ТИЛИМИЗ — МИЛЛАТИМИЗ РУҲИ

Миллий ғояларни кишилар онгига сингдиришда тил асосий таъсир воситаси бўлиб келган. Чунки тил инсон тафаккурининг шакли ҳисобланган тушунчани ифодалаш учун хизмат қилади. Тушунчалар эса тилнинг энг бирламчи маҳсули бўлган бир ёки бир неча сўзлар тизими воситасида рўёбга чиқади. Тил ва тафаккур биллиги инсон фалсафасининг азалий қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Давлат тилини жорий этиш жараёнини такомиллаштириш, Қонуни ҳаётига изчил таъбиқ этишни кучайтириш Миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини кўрсатиб берувчи асосий омиллардан биридир. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, давлатимиз жаҳонга юз тугиб боргани сари она тилимизга бўлган муҳаббат, уни обрўйи ва мақомини янада ошириш масаласи устувор бўлиб бормоқда.

Янги тахрирдаги Давлат тили Қонунининг афзал томонлари қуйидагиларда ўз ифодасини топган: 1) у Миллий истиқлол ғояларидан келиб чиққан ҳолда шакл ва моҳият жиҳатидан янгилашган; 2) халқимизнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиб, тушуниш ва талқин қилишга қулай бўлиши учун тил ҳамда услуб жиҳатдан соддалаштирилган; 3) унинг ҳуқуқий асослари аниқроқ, қатъийроқ ва амалиётга жорий қилишга мувофиқ даражада баён қилинган. Янги тахрирдаги Давлат тили Қонуни

том маънода Миллий истиқлол ғояси моҳиятини ўзида акс эттирувчи қонун сифатида майдонга келди.

Маълумки, инсон юксак даражада шаклланган ижтимоий онг соҳиби сифатида эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Агар инсон болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак

ўртасидаги ўзига хос рақобатга биз тайёр туришимиз керак. Мамлакатимизга турли мақсадлар билан ташир буюраётган чет эл фуқаролари тобора кўпаймоқда. Бу нарса, табиий равишда, муомала жараёнида инглиз ва рус тилларининг ўзига хос ўрин тутишини тақозо этади. Ўзбек тили ўз Ватанида Давлат тили мақомида мустаҳкам туриши, мавқеини сақлаб қолиши учун унинг жаҳон тиллари ичида муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз лозим. Бунинг учун ёшларимизда Давлат тили сиёсатини келажаги буюк давлат нуқтаи назаридан юксак даражада англаб етиш туйғусини уйғотишимиз зарур.

Ўзбек тили Давлат тили мақомида устувор туриши ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тўлақонли амал қилиши учун нималарга эътибор беришимиз лозим бўлади? Бизнинг назаримизда бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади. Биринчидан, ёшларимиз уни пухта эгаллашни, ҳаётнинг турли жабҳаларида унга тўлиқ амал қилишни, тилимизни соф сақлашни лозим, иккинчидан, уни жаҳон жамоатчилигига танитиш, тарғиб қилиш ва шу орқали жаҳон халқлари томонидан уни тан олишига эришиш лозим. Демак, биз бошқа давлат фуқаролари билан муомалада учинчи тилни эмас, балки она тилимизнинг асосий воситаси сифатида қўлланишига эришувимиз керак.

Маълумки, Миллий истиқлол ғоясининг мақсади фуқаролари озод, эркин, тинч ва фаровон ҳаёт кечирадиган мустақил давлат барпо қилишдир. Бу давлатнинг асосий белгиларидан бири давлат тилига эга бўлишидир. «Тилга эътибор — элга эътибор» дейилганидек, келажак яратётган эл мактабининг юксалиши она тили мақомида янада юксалишига олиб келиши шубҳасиздир.

Одил БЕГИМОВ,
филология фанлари номзоди.

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

1989 йил 21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган сана. Албатта, бу расмий мақом, ғўеки бир пойдевор. Бундан кейинги амалий ишлар ана шу расмий мақомга жон киритади. Бу йил тилимизга Давлат мақоми берилганга 15 йил тўлди. Хўш, шу давр ичида ўзбек тили ҳақиқий маънода давлат тили даражасига кўтарилдими?

Тилинг нудузини сақлаш борасида ижобий ишлар қилинаёпти. Бирок муваффақиятлар ўз йўлида. Очиғини айтганда, баъзи бир камчиликлар ҳам кўзга ташланадими, у ҳақда сўз юритиш жоиз бўлади. Зеро, камчиликлар қанчалик бартараф этилса, ютуқлар салмоғи ўз-ўзидан ошиб боради.

Мамлакатимиз қонунларига кўра, ишлаб чиқарилаётган санаот маҳсулотларининг ўзбек тилидаги йўриқномаси бўлиши лозим. Яқинда керакли дорини харид қила туриб, йўриқномаси билан қизиқдим. Хайрият, ўзбекча нусхасини ҳам қўшиб қўйишган экан. Шундан сўнг бир қанча санаот маҳсулотларини қараб чикдим. Афсуски, ҳаммасида ҳам бу ёриқнинг ўзбекча нусхаси учрамади.

Ўтган йили ўқиш давомида ўрганганларимни амалда синаб кўриш мақсадида бир қатор муассасаларга иш сўраб мурожаат қилдим. Улар мен билан гаплашиб кўришди. Рус тилини билмаслигимдан афсус қилишди. Баъзилари, «рус тилини билмасангиз пойтахтда ишлашга қийналасиз», дея юмшоқ қилиб рад жавоби беришди.

Шу йил ёзда АҚШга сафар қилиш имконига эга бўлдим. Ватан дарвозаси бўлиши Тошкент аэропортида мамлакатга кириш ва (ундан) чиқиш учун декларация тўлдирилади. Ана шу декларация ҳам рус ва инглиз тилларида тайёрланади. АҚШга сафаримиз давомида бошқа аэропортлар, жумладан Истамбул халқаро аэропорти, Жон Кеннеди номидаги Нью-Йорк аэропортидаги расмий ҳужжатларни бевосита тўлдириб чикдим. Ҳаммасида давлат тили қўлланилган. Мутасаддилар шу ҳақда бир ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Тилимизни аввало, ўзимиз хурмат қилишимиз керак. Бунинг учун ҳар бир фуқаро масъул бўлиши, тилнинг софлиги учун ҳаракат қилишимиз лозим. Токи давлат тилимизнинг барқарорлиги учун қилган ишларимиздан эртага ўзимиз уялмайлик. Тилнинг софлиги аввало ҳар бир кишининг унинг раънақи йўлида қўлган улушига боғлиқ.

Отабек ОМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.

Миллатнинг ички олами, унинг маънавияти ва маданиятининг чуқур қатламлари, миллий тафаккури ва ўзликни англаши миллат тили ривожига акс этади. Бинобарин, миллий ўзликни англаш қанчалик юқори бўлса, тилга эътибор шунчалик ошади. Шундай экан, бошқа миллат вакиллариининг Ўзбекистонда яшаб, ўқиш ва ишлаш жараёнида маҳаллий миллат вакиллари билан кенг муносабатда бўлиб, барча соҳаларда эркин фикр алмашишлари учун давлат тили ҳисобланган ўзбек тилини пухта эгаллашлари, миллий-маданий қадриятларни ўрганиш ва уларга хурмат билан муносабатда бўлишлари тақозо этилади.

Ўзбек тилида сўзлашишни ўрганиш — ўзбекча жонли нутқни эгаллашга киришиш жараёнида, ўзаро фикр алмашувда, кундалик мулоқотда эса ундан фойдаланишни фаоллаштиришдан бошланади.

Чунки кўнмака амалий фаолият жараёнида шаклланади. Зеро, бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўқитишнинг амалий йўналишида бўлишига эришиш Давлат тили қонунининг талабидир. Бизнинг фикримизча, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тили дарсларининг замонавий педагогик технологиялар асосида мазмунли ташкил этилиши, ўқув хоналарининг ҳар томонлама талаб даражасида дарс мазмунига мослаштирилиши талабаларнинг бутун диққат ва қизиқлигини жалб эта олишига эришиш омилларидир. Шунинг учун Тошкент Давлат иқкинчи Тиббиёт институтида ҳам русий забон талабаларга ўзбек тилини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун

махсус электрон дарслик яратилмоқда. Бу дарсликнинг афзаллиги шундаки, талабалар қизиқишини ошириш учун энг зарур бўлган, энг муҳим мавзулар мультимедия асосида яратилди. Масалан, дарсликнинг фонетика бўлимини ўқитишда талабаларга талаффузи рус тилидаги товушларга мос келадиган, — а, — э товушларини

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тили фанини ўқитиш ижтимоий фанлар ичида муҳим ўрин тутади. Чунки миллат ҳаётининг реал воқелиги, унинг таърибаси, одати ва аънаёлари, кўп асрлик тарихи ва маданияти тилда ифодланади.

ифодалаган харфлар қизил ранг билан берилди. Ўзбек тилига хос бўлган — и, — у, — ў товушларини ифодалайдиган харфлар яшил ранг билан берилди ва талаффузини осонлаштириш учун транскрипция харфларидан ҳам фойдаланилади.

Ундоз товушларни ўргатишда ҳам ўзбек тилига хос бўлган товушлар яшил ранг билан берилиб, мисоллар келтирилади.

Грамматиканинг лексикология бўлимини ўргатишда ўзбек тилининг луғат таркибида бўлган туркий, арабий, форс-тожик ва рус тилидан ўзлашган сўзларни қуйидагича ранглар билан тасвирлаш мақсадга мувофиқ топилди, масалан:

туркий сўзлар — кўк ранг билан;
арабий, форс-тожик сўзлари — яшил ранг билан;
рус тилидан ўзлашган сўзлар —

қизил ранг билан берилди.

Шу тариқа, талабалар ўрганиши зарур бўлган сўзлар сонини анча камайдди ва ўзлаштириш юқори даражага етиши мумкин.

Дарсликнинг морфология қисмини ўрганишда ҳам баъзи бир тушунмовчиликлар барҳам топиши учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим. Масалан, сўз туркумлари сонини 10 та деб ҳисоблаш ва уларнинг рус тилига мос келмайдиган жиҳатларини мисоллар орқали тушунтириш керак бўлади.


Сифат сўз туркумини ўрганишда ҳам ўзбек тилига хос бўлган жиҳатлар жуда кўп. Масалан, сифатнинг озай-тирма даражаси — кўкиш, кўкимтир, сарғиш, қорамтир, қизғиш каби сўзларни алоҳида тушунтириш, ёд олдириш лозим бўлади.

Сифатнинг кучайтириш мақсадидаги сўзлардан-кип-қизил, сап-сарик, кўм-кўк, қопқора, тим қора, ям-яшил, оппоқ кабилар.

Шу ўринда компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, овоз орқали талаффузи ҳам берилса, нур устига нур бўлар эди. Афсуски, ҳали ҳамма ўқув хоналарида ҳам компьютер йўқ ва ҳар бир талаба ҳам компьютер билан тўғридан тўғри мулоқот қила олмайдди. Шунинг учун бизнинг ушбу дастуримиз ўзбек тилини русий забон талабаларга ўргатишда янги педагогик технологиялардан фойдаланишдаги дастлабки ишимиз бўлиб, келажакда буним мукамаллаштиришда давом этмоқчимиз.

Самад ХУЖАНОВ,
Тошкент Давлат II тиббиёт институти ўзбек тили, педагогика ва психология кафедраси мудири.

Шарқ дурдоналари



● Мавлоно Жалолиддин Румий айтиди:

— Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, гурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, тақаббурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайгу-аламлар устингга ҳужум этсалар, бу ҳужумларга ўз адабсизлигинг сабабчидир. Тарбиясиз, адабсиз одам алам, ҳасрат дарёсида гарк бўлади. Шунга кўра адаб нури билан ўзингни нурантир, қалбинг пок бўлсин.

● Букрот Ҳакимдан:

— Ҳамма нарсдан кўра юқори ҳисобланган нарса нима? Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди? — деб сўрадилар. Букрот Ҳаким айтиди:

— Ҳиммат ҳамма нарсдан юқори туради. Адил биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди.

Байт:

**Ҳимматингни тут
баланд эл олдида,
Ҳимматинг-ла
мартабанг бўлгай
баланд.**

● Олим-фозиллардан Хуррамай айтиди. Бир қария ҳар вақт ёшларга:

— Болаларим, ёшликни ганимат билинг, фақат ўйин, кулгу кайфу сафо билан ёшлик даврингизни зое этманг, ўқинг, ўрганинг, илмли, хунарли бўлинг, агар ёшлик даврингизда ўзингизни тутиб олмасангиз, кейин қаттиқ пушаймон қиласиз, лекин фойда бермайди, — деб насиҳат қиларди. Шу хурматли чолнинг насиҳатларига амал қилган ёшлар бахтли-саодатли бўлдилар.

● Фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она қайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебосчаси деб билади. Наҳот эшигининг қалити ва саодат гулзорининг насимоти ота-она туфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан мурда шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру-муҳаббат ойнасини губорлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан беғоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

ВАРШАВАДА «ХОТИРА КИТОБИ» ЧОП ЭТИЛДИ

Варшавада Польша президенти канцелярияси ва давлат архиви ҳамкорлигида ташкил этилган «1919-1952 йилларда Ўзбекистондаги поляклар тақдири» мавзусида илмий анжуман ва кўргазма бўлиб ўтди. Унинг иштирокчиларини сейм маршали Ю.Олекса ва Польша президенти канцелярияси директори И.Шиманек-Дерек кутлади.

Польша давлат архивлари директори Д.Налэнч ва қатагон қилинган полякларнинг қариндошлари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга архив материалларини Польша томонига берилганлиги учун миннатдорлик изҳор қилишди.

Д.Налэнч қатагон қилинган поляк фуқароларининг кейинги тақдири ҳақида Ўзбекистон ҳукумати ёрдамида муҳим тарихий ҳужжатлар олинганини эътироф этди. У Польша ҳукумати ҳам Иккинчи жаҳон уруши йиллари мамлакат ҳудудида халок бўлган ўзбек фуқаро-

ларининг тақдири ҳақида архив ҳужжатларини кидириб топиш, уларни Ўзбекистонга бериш масаласига жиддий ва катта эътибор билан муносабатда бўлаётганини айтди.

Анжуман иштирокчилари қатагон қилинган полякларнинг ҳужжатлари, шахсий буюмлари, фотосуратлари билан танишдилар. Уларга «1919-1952 йилларда Ўзбекистондаги полякларнинг тақдири» китоби совға қилинди. Ушбу нашрга кириш сўзи ёзган Польша президенти А.Квасьневский Ўзбекистон томонидан архив материалларини берилишига юқори баҳо берган ва улар тарихий ҳақиқатни тиклашда катта аҳамиятга эгалигини қайд этган.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТУРИЗМИ

«Grand Mir» меҳмонхонасида «Жаҳон туризми ривожланишининг йўналиш ва услублари» мавзусида семинар бошланди. Уни Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) ташкил этди.

Семинарда Қозоғистон, Озарбойжон, Тожикистон, Украина, Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон сайёҳлик фирмалари, компания ва ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Семинардан кўзланган мақсад қатнашчиларни жаҳон туризмнинг замонавий тажрибаси ва йўналишлари билан таништириш, мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш ва ўрганишидир. ЖТТ — БМТнинг ихтисослашган муассасаси. Бу ҳукуматларо ташкилот универсал хусусиятга эга бўлиб, унинг қароргоҳи Мадрид (Испания)да жойлашган. Унга дунёнинг 144 мамлакати, шу жумладан республикамиз ҳам аъзо.

ЖТТнинг Европа мамлакатлари бўйича минтақавий вакили ўринбосари Андрей Шлевков ўз сўзида бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизга яқини туризм соҳасига тўғри ке-

лиши, бу соҳада қарийб 200 миллион киши ишлашини таъкидлади.

Ўзбекистон туризми ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Республика Буюк ипак йўлида жойлашган бўлиб, ўзига хос табиати, бой тарихий ва маданий мероси бор. Сўнгги йилларда меҳмонхона ҳўжалиги, бошқа базавий инфратузилма изчил ривожлантирилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси турли мамлакатлардан сайёҳларни жалб қилишга ёрдам бермоқда.

Семинарнинг биринчи кунини жаҳон туризмнинг асосий тушунча ва йўналишлари, уни режалаштириш, меҳмонхона ҳўжалиги, маданий туризм масалалари кўриб чиқилди. Анжуманнинг иккинчи кунини сервис, маркетинг, транспорт алоқаси, идораларо мувофиқлаштириш ва янги технологияларни жорий этиш масалаларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Бизнес-режа ишлаб чиқиш: кичик ва ўрта корхоналарни бошқариш стратегияси ва мақсадлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда италийлик тадқиқотчи мутахассислар ва мамлакатимиз ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

БИЗНЕС-РЕЖА — ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Тадбир Италия Ташқи савдо институти (ICE) ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан Марказий Осиё мамлакатлари менежерларини халқаро ўқитиш дастури доирасида ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад давлатга қарашли ва хусусий компаниялар бошқарувчиларининг бизнес-режа ишлаб чиқиш борасидаги билимини ва кўникмаларини бойитишдир.

Тадбиркорликда бизнес-режа муҳим аҳамиятга эга. У бўлажак корхонанинг барча асосий қирраларини ўзида акс эттирувчи ҳамда юзага келиши мумкин муаммоларни ҳал этиш йўллари таҳлил этувчи ёзма ҳужжатдир. Янги ташкил этилаётган компанияга ҳам одатда бизнес-режа асосида кредит ажратилади.

Семинарда ICE мутахассисларининг тадбиркорлик фалиятини юритишда бизнес-режанинг аҳамияти, асосий мақсадлари ва унинг тузилиши тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Тадбирда Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персиани иштирок этди.

ЎЗА

Ёшлар эртанги кунимизнинг муборак қадамдошлари, ёрқин истиқбол эгаларидир. Бугунги кунда улар ҳар бир соҳада илгор ва фаолдирлар. Ёшлар ўз билим ва иқтидорлари, ақл ва идроки, онг ва тафаккурлари билан олий чўққиларни забт этиб она юртимиз, доврўғини оламга ёйиб, муқаддас заминимиз шаънини ҳимоя қиладилар. Бугунги ёшлар билан ҳар қанча фахрланасанг арзийди.

Нодира Дадамўхамедова эндигина 9 ёшни қаршилаган. Бироқ унинг муваффақиятлари оламга татигулик. Нодира бундан икки йил муқаддам Успенский номидаги Республика махсус музика академик лицейига ўқишга қабул қилинди. Ўша дамда қизалоқ олдиға бир қанча олий мақсадларни кўйди.

— Ойижон — деди у онаси Гулнораҳонга. — Мен келажакда машҳур пианиночи бўламан, халқаро танлов ғолиби бўлиб дунё кезаман.

Қувонарли томони шундаки, қалби орзу-умидлар билан тўлган қизалоқ устози Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Алда Ким бошчилигида фортепиано сирларини ўрганиш баробарида шўҳрат чўққиларини забт этишга ҳам улгурди.

Нодира Дадамўхамедова 2003 йил ноябрь ойида Грециянинг Марконола шаҳрида



Ёшлар — келажакимиз

МУСИҚАГА ШАЙДО КЎНГИЛ

Ўтказилган пианиночилар йирик халқаро танловиди олтин медаль соҳиби бўлган бўлса, 2004 йил апрель ойида Париж шаҳрида ўтказилган Николай Рубинштейн номли халқаро пианиночилар танловиди биринчи ўринни эгаллаб юртимиз доврўғини дунёга таратиб қайтди.

У 23-музика мактаби қошида ташкил қилинган «Настарин» болалар эстрада гуруҳининг фаол иштирокчиси. Жорий йилда шу гуруҳ аъзолари билан Туркия шаҳрида ўтказилган халқаро болалар фестивалида ҳам иштирок этиб, Туркия Президентининг махсус совғалари билан тақдирланди. «Настарин» гуруҳи раҳбари

Ангелина Ли ҳам фахр билан у ҳақда шундай деди:

— Нодира гуруҳимизнинг энг фаол ва истеъдодли қизларидан у нанкин куй чалади, балки кўшиқ айтиб, рақсга ҳам тушади. Унинг сочлари ҳам узун. Шoir Иброҳим Жиянов шу қизалогимизга атаб «Кокилинг» деган шеър битди, бу шеърни ҳам кўйга рақсга ва аjoyиб кўшиқ яради. Мен гуруҳимизда ана шундай истеъдодли, келажакда порлоқ, интилувчан қиз борлигидан фахрланаман. Ҳар иккала халқаро танловда энг ёш қатнашчи бўлишига қарамай, ҳайъат аъзолари бу ширин қизалоқнинг ижрочилик маҳоратини юқори баҳоладилар.

Нодира ўзи орзу қилганидек



Париж шаҳрида сайр қилди. Қадимий пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, бир олам завқ-шавқ ва қувонч билан Ўзбекистонга қайтиб келди.

Жорий йилнинг 11 октябрида Нодира Дадамўхамедова таниқли ижрочилар қаторида Тошкент Давлат консерваториясида Давлат симфоник оркестри жўрлигида ўтказилган халқаро танловлар ғолиблари яққон концертда ҳам қатнашиш шарафига мўъясар бўлди.

Нодира иқтидорли, шунинг биланчида изланувчан, тиниб-гирочимас, доно ва зукко қиз. У албатта келгусида энг машҳур фортепианочи бўлиб етишади. Биз ҳам бу интилувчан қизалоққа порлоқ ва ёрқин истиқбол тилаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: Туркияда ўтказилган халқаро танловдан лавҳа; Нодира Дадамўхамедова.

Шифобахи**Ғисмликлар****ЗАРПЕЧАК**

Меъдани кучайтиради, айниқса, қовурилгани шундай. Сирка билан ичиlsa, ҳикичокни тўхтатади, жигар ва меъда тикилмаларини очади, иккаласини ҳам кучайтиради. Суви сариқ касаллик учун ажойиб даводир.

ЗАРЧАВА

Унда кучли тозалаш хусусияти бор. Уни чайнаш тиш оғриғига фойда қилади.

Зарчаванинг шираси кўзни ўткирлатишга, қорачиғидаги катаракта ва оқни кетказишга жуда фойда қилади.

ЗАЪФАРОН

Заъфарон ичиш рангни чиройли қилади. Кўзни равшан қилади, кўзга тушувчи назлаларни тўхтатади ва кўзга тушган пардага қарши фойда қилади. Касалликларда пайдо бўлган кўз кўкаришида заъфаронни сўра қилинади.

Юракни қувватли ва хурсанд қилади. Заъфарон белгиларни осонлаштиради нафас аъзоларини кучли қилади.

ЗИФИР

Зифир уруғини қул суви билан сиртдан ва ичдан ишлатилса, иссиқ шишларни, қулоқ орқасидаги шишларни ва қаттиқ шишларни юмшатади. Мум ва асал билан биргаликда тиришишга ва хусусан тирноқларнинг тиришишига фойда қилади.

Зифир уруғининг тутуни тумовга фойда қилади, умуман зигирнинг тутуни ҳам шундай.

Ковурилгани ични қотиради, ковурилмагани эса мўтадилдир.

УГИР

Энг яхсиси зичроқ, тўлароқ тузилгани ва ҳиди яхшироғидир.

Кўзнинг мугуз қатлами қалинлаша юқалаштиради ва кўзнинг оқиға фойда қилади, бу иккала касалда, айниқса, шираси фойдалидир. Кўз хираланишини ҳам кетказиши.

ИНДОВ

Уруғи ёки суви қора доғ ва сепкилни кетказиши.

Индов сутни кўпайтиради. Унда таомни ҳам қилдириш хусусияти бор.

ИССОП

Буни ичиш рангни чиройли қилади. Суртмасини суртиш эса юздаги яра изларини кетказиши.

Сирка билан қайнатмаса кўз оғриғини босади.

Иссоп қайнатилиб, кўздаги қон талашга ва кўз кетидаги ўлик қонга қарши боғланади.

Кўкракка, ўпкага, астмага ва чўзма йўталга (кўсов) фойда қилади. Асал ва анжир билан қайнатилса ҳам шуларга ва қаттиқ шишларга ҳам (тикка нафас олиш)га қарши фойда қилади.

ИТУЗУМ

Ишлатиладигани яшил баргли ва сариқ мевалигидир.

Суви билан гаргара қилинса, тилдаги шишларга фойда қилади. Итузумни жуда майда янчиб боғланса, бош оғриғини тузатади, қулоқ остидаги ва мия пардаларидаги шишларни тарқатади, томизилса, қулоқ оғриғига фойда қилади. Ширасини кўзга сурма қилиб қўйилса, кўриш қуввати кучаяди.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлиб банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади.

2004 йил 2 ноябрда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади

1. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 636, бошланғич нархи 1 099 900 сўм, техник носоз;

2. "Газ-31029" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AD 240, бошланғич нархи 1 145 260 сўм, техник носоз;

3. "Газ-52" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 718, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;

4. "Авиа" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 419, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;

5. "Газ-53" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;

6. "Газ-5204" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;

7. "Зил-ММЗ-34502" автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AO 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;

8. "Паз-672" автомобили, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AE 894, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;

9. "Опель-Кадет" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 N 68-39, бошланғич нархи 2

000 000 сўм, техник носоз;

10. "ДЭУ-Принц" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси M 16-82, бошланғич нархи 4 530 000 сўм, техник носоз;

11. "Тико" автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 17 M 44-53, бошланғич нархи 5 652 708 сўм;

12. "Газ-31029" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AN 808, бошланғич нархи 2 284 850 сўм, техник носоз;

13. "Зил-431410" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 357, бошланғич нархи 3 578 620 сўм, техник носоз;

14. "Татра-815" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 27 328 400 сўм техник носоз;

15. "Паз-3201" автобуси, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 15-07 ТНМ, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;

Кимосиди савдоси соат 16.00 да бўлади.

2004 йил 24 ноябрда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади

1. "Маз-500 АШ" автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 595, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;

2. "КАВЗ-3270" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 598, бошланғич нархи 300 000 сўм;

3. "Таджикистан" автобуси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 601, бошланғич нархи 250 000 сўм;

4. "Зил-130Б-ПМ" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 603, бошланғич нархи 350 000 сўм;

5. "Тико", 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 172, бошланғич нархи 1 555 588 сўм, техник

носоз;

6. "Икарус" автобуси, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси O 05-25 С, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;

7. "Нексиа" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 01-80, бошланғич нархи 2 049 921 сўм;

8. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 N 17-13, бошланғич нархи 1 400 000 сўм, техник носоз;

9. "Газ-24" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 57-98, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;

10. "Газ-24" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Г 49-11, бошланғич нархи 1 001 186 сўм, техник носоз;

11. "Газ-24" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 O 26-74, бошланғич нархи 1 450 000 сўм, техник носоз;

12. "Ваз-2106" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошланғич нархи 1 207 292 сўм, техник носоз;

13. "Камаз-5511" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 605, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз.

Кимосиди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимосиди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Кимосиди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

ҲУРМАТЛИ ШАҲРИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ!

2004 йил 16 октябрдан бошлаб,

Тошкент шаҳрида иситиш мавсуми бошланди.

Уй-жойларни иссиқлик билан мунтазам равишда таъминлаш мақсадида 2004-2005 йиллар иситиш мавсумини ўтказиш бўйича шаҳар ва туман штаблари ташкил қилинди.

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси қошидаги шаҳар штаби қуйидаги манзил бўйича жойлашган: Халқлар Дўстлиги шоҳқўчаси, 1 А-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 45-03-55, 45-03-56.

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий диспетчерлик хизмати телефони: 133-32-32.

Тошкент шаҳри туманлари ҳокимиятлари қошида ташкил қилинган штабларнинг телефонлари қуйидагича:

Туманлар	Туман ҳокимиятларининг телефон рақамлари	КТАТХ телефон рақамлари	«Тошиссиққуввати» ИЧБС туман бошқармаларининг телефон рақамлари
А.Икромов тумани	741923 741670	742762 747216	750573
Бектемир тумани	1950246 1950240	1951997 1952963	1951225
Миробод тумани	1332986 558685	554407 542608	1918095
М.Удугбек тумани	689404 1360806	684952 674952	678929
Сергели тумани	580620 580849	583241 588457	580995
С.Раҳмонов тумани	290093 1448895	292409 293028	1480171
Ҳамза тумани	1333372 1913084	960422 965400	963502
Челпонор тумани	1175050 1174715	1738482 1738457	784012
Шайхонтоҳур тумани	1443579 1443173	427197 424808	494599
Юнусов тумани	1376141 1375231	1356105 1357976	212157
Яққасаров тумани	557449 1330549	568761 557092	557181

Иситиш мавсуми давомида содир бўлаётган муаммолар бўйича юқорида кўрсатилган телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Спорт

**ОМАД
ТИЛАЙМИЗ**

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг россиялик Гарри Каспаров билан учрашувини спорт ишқибозлари орзиқиб кутишаётган эди. Ниҳоят ушбу тарихий беллашув ўтказиладиган мамлакат ва учрашув вақти белгиланди.

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов Р.Қосимжонов ва Г.Каспаров ўртасидаги беллашув 2005 йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амирикларининг Дубай шаҳрида ўтказилишини расман эълон қилди. Ушбу тарихий беллашувнинг мукофот жамғармаси эса бир миллион икки юз минг АҚШ долларини ташкил этади.

Баҳс ғолиби россиялик халқаро гроссмейстер Владимир Крамник билан мутлақ жаҳон чемпионлиги учун кураш олиб боради.

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТЛИ
ҚАТНАШИШДИ**

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида спортнинг дуатлон тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Республикасининг етти вилоятидан келган 55 спортчи галаба учун кураш олиб борди.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташкилотчилигида уюштирилган мусобақаларда ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли қатнашишди.

Чунончи, ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда ғолиблик 55.45 натижа кўрсатган спорт усталигига номзод Павел Растригинга насиб этган бўлса, иккинчи ўринни яна бир ҳамшаҳримиз — 1-тоифали спортчи Денис Айвазов эгаллади. Эркаклар баҳсида эса ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан 1.57.40 натижа кўрсатган тошкентлик дуатлон устаси Николай Ильин ўрин олди.

Ешлар ўртасидаги чемпионатда Республика техник ва амалий спорт турлари вакиллари энг юқори натижаларни кўрсатган ҳолда барча совринли ўринларнинг соҳиблари бўлишди. Жумладан 1.57.40 натижа билан халқаро тоифадаги спорт устаси Иван Морозов Ўзбекистон чемпиони унвонини кўлга киритган бўлса, 2-ва 3-ўринлар унинг жамоадолшлари Артем Микеев ва Вадим Игнатенколарга насиб этди. Умумжамоа ҳисобида эса Самарқанд ва Тошкент вилояти терма жамоаларидан кейин ҳамшаҳарларимиз учинчи бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳамкорлик

**ФОЛИБЛАР МУНОСИБ
ТАҚДИРЛАНДИ**

Маълумки, Корея Бутунжаҳон ёрдам фондининг ваколатхонаси мамлакатимизда 2003 йилдан буён фаолият олиб боради. Фонд ваколатхонаси фаолияти Ўзбекистон ва Корея Республикаси халқлари ўртасида миллатлараро муносабатлар ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган.

Ваколатхона маданият, таълим, тиббиёт, спорт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-маиший, компьютерлаштириш соҳаларида инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш, мамлакатимизда истиқомат қилувчи миллатларнинг миллий маданияти, тили, маънавий аънаналарини ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг татбиқ этилишига хорижий инвесторлар, халқаро фондлар ва жамоат ташкилотларини жалб қилиш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг 22 октябрига қадар Тошкент, Наманган, Ангрэн ва

Самарқанд шаҳарларида давом этадиган Ўзбекистон ва Корея Республикаларининг «Дўстлик фестивали» ҳам шундай тадбирлар сирасига киради. Унинг доирасидан санъат асарлари кўргазмалари, расм чизиш, муסיқа бўйича маҳсус бир кўнлик курсларни ташкил этиш, аҳоли ўртасида тиббий профилактика, ичимлик сувини қазиб топиш ва артезиан қудуқларини ўрнатиш бўйича масlahатлар бериш, аьлочи талаба ва ўқувчиларни пул мукофотлари билан рағбатлантириш ўрин олган.

Фестиваль доирасида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бадиий лицейлар ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги коллежлар, болалар ижодиёти уйлари ва тасвирий санъат студияларининг 200 га яқин ўқувчилари иштирокида «Энг яхши расм учун» танлов ташкил этилди.

Шундай қилиб ранг-баранг расмлар қизилган ва жуда қизиқарли ўтган танлов натижаларини тажрибали ҳакамлар ҳайъати сарҳисоб қилди.

Биринчи ўринга яқдил-



лик билан Жаҳонгир Абуллаев ва Настя Когайлар лойиқ деб топилди. Танлов низомига кўра ҳар иккала қобилиятли ўсмир ғолиб сифатида 2 ҳафтага Корея Республикасига саёхатга бориш ҳуқуқини кўлга киритди.

Иккинчи ўринни эгаллаган Стас Цой кондиционер, учинчи совринли ўрин соҳиблари бўлган Ю.Ким ва Х.Алиязаров телевизорлар билан тақдирланди.

Шунингдек, 4 ва 5-ўринларни эгаллаган ўсмирлар қимматбаҳо совғалар, 20 нафар ўсмир рағбатлантирувчи пул мукофотлари соҳиблари бўлишди. Танловнинг барча қатнашчиларига эса сертификатлар берилди ҳамда расм чизиш воситалари тўпламлари совға қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар.



Назм

КЎЗ ТЕГМАГАЙ

Бўлди диёрим жаннат эл хушёр
кўз тегмагай,
Қанча қилса ҳасад ағёр бекор
кўз тегмагай.

Бунда бордир кадрият,
элимда меҳр-шафқат,
Азалдан иззат-ҳурмат
барқарор кўз тегмагай.

Ҳасад қилсалар кўриб жаннат
юртимиз кимсалар,
Жалол, Малик Темур руҳи
тумор кўз тегмагай.

Истиклолдан гуллаб-яшнаб
кетганим кўриб,
Суқи кетса пирлар руҳи
ҳамкор кўз тегмагай.

Ҳар қандай ёмон кўз
бўлмасин қайтарар.

Юрт равнақига жипслик
мададкор кўз тегмагай.
Талтайиб кетмас сира шу
холатдан халқим менинг,
Ҳар соҳада ўзбегим ибрати
бор кўз тегмагай.

Камтар холис ниятни доим
Аллоҳ қўллагай,
Ҳар ишга қодир ҳислати
бисёр кўз тегмагай.

Бўлди машхур ер юзида
дорбозу полволлари,
Авлод-аждод пир хабардор
кўз тегмагай.

Лол қолгандан гар
ичиксалар обидаларга,
Қўллар руҳи Нақшбанд,
Вали Аҳрор, кўз тегмагай.

Фахр этар Шайдо шу
юртнинг шоири фарзанди — учун,
Кўзлининг чиққай кўзи ишонч
бор, кўз тегмагай.
Аҳмад ШАЙДО

СОҒИНЧ

Яна бир тонг отди беун тўлғониб...
Титради бу йўллар
кўнглимдай ғариб
Имкондан истагим
келганда ғолиб,
Соғинчим сизни ҳўб
кутди сарғайиб.

Сиз ўтар йўлларда
кўқарди ҳижрон.
Сиз ўтар йўлларда сукунат ҳоким.
Узилмай тилимдан битта
Сиз гирён,
Журъатим кўрқокдир,
исёним соқин.

Яна бир тонг отди тўлғониб беун...
Йўллар йиғлаб қолди
сизга интизор.
Бир бор ўтмадингиз, Гофиллим,
нечун?
Ахир сизни кимдир бир
кўрмоққа зор...
Рисолат ҲАЙДАРОВА

Манзилга хуш кайфиятда ёки кўнгли хира бўлиб етиб боришда чиптачиларнинг ҳам ўрни бор деб ўйлайман. Чунки инсон кўнгли астагина титраб турган гунчага ўхшайди. Яхши сўз уни ҳудди шабнам мисоли яшнатиб юборади, ёки аксинча, озгинагина ёмон сўз қаттиқ шамол каби унга озор етказди. Бир куни ўқишдан қайтган эдим. 2-сонли автобусдаги чиптачи мени хайратга солди. У ҳар бир йўловчидан чипта учун пул олар, ёки ойлик йўл чиптасини кўрар экан, «Бахтли бўлинг», «Омадингизни берсин», «Ўқишларга кириб олинг», «Ташаккур» деган одадий, лекин ҳамма жойда ҳам қўллагуша баъзилар боинолмайдиган сўзларни ишлатар эди. Бунга баъзи қизлар кулса, баъзи катталар ҳайрон бўлиб қараб қоларди. Мен унинг илиқ сўзига раҳмат ай-

Душанга гаплар

**ЙЎЛДАГИ
ҲАНГОМАЛАР**

Ҳозирда энг кўп фойдаланиладиган транспорт воситалари албатта автобус, троллейбус, трамвай. Улар кимларнидир ишга, кимларнидир ўқишга элтади.

тдим. Кимлар учундир қулгуйи туюлган унинг ҳаракати менинг кўнглимга қандайдир ёруғлик солди. Ўша куни сал хафароқ эдим. Унинг бу сўзларидан аслида жуда тез ўзгарадиган кайфиятим негадир кўтарилиб кетди.

Бошқа бир куни эса айнан шу воқеанинг акси бўлди. 9-сонли трамвайга чиқдик. Одам тирбанд. Дугоналарим билан охириг эшик олдида турардик. Бирдан чипта-

чининг қилаётган ҳаракатини кўриб, лол қолдик. У бақириб-чақириб, одамларни туртиб вазифасини бажарар, талабалар қўлидаги ойлик йўл чиптасини шартта тортиб олиб, ўқув билетларини қўполлик билан текширарди. Ҳамма бир-бири билан кўз уруштириб, унинг бу қилигидан хайратга тушибарди. Тўғриси яна айтсам, унинг кўриниши ҳам фалати эди. Ҳудди атайлаб қўйфасига мослаб

муомала маданиятини бергандек эди гўё. Менинг кўз олдимга дарров ўтган кунги чиптачи келди. Иккаласи икки хил олам эди. Аммо вазифалари бир хил, иккиси ҳам эл кизматида. Нахот жамоат ичиде ярадиган одам улар билан қандай муомала қилишни билмасан? Нахот тўғри келган одам бундай ишларга қўйилаверсан? Балки оддий йўловчилар билан мулоқот қилишни билмайдиган бундай кишилар учун «чиптачилик курслари» очилиши керакдир. Ана шунда бошқа инсонлар кўнгли ҳеч бўлмаса йўлларда озор топмасмиди. Бунга сизнинг фикрингиз қандай, азиялар?

**Гулруҳбегим
ОДАШБЕКОВА,
Ўзбекистон Давлат
жаҳон тиллари
университети талабаси**



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
факс — 133-28-95, 132-11-39,
133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
2812 нускада босилди. Қўғи бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.